## Қўшимча адабиётлар


1. Гафарли М.М. Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт омили. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари (масъул муҳаррир А.Очилдиев). –Т.: ТИУ. 2008.
3. Жакбаров М., Аббосова Ш. ва б. Миллий ғоя – хавфсизлик ва барқарорлик омили. Т., Турон замин зиё., 2014.
4. Комилов К. Глобаллашув ва диний жараёнлар. Т.: ТИУ, 2014.
5. Комилов Н. ва б. Мустақиллик тафаккури, демократик дунёқараш ва миллий менталитет. Т.: Маънавият, 2011.
6. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Назаров Қ. Таҳрир остида. -Т.: Маънавият, 2009.
7. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Т.: Akadeiya, 2007.
8. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар(қисқа изоҳли тажрибавий луғат) Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. - Т.: "Янги аср авлоди", 2002.
9. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т.: Янги аср авлоди., 2001.
10. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. Хоназаров Қ. Таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2000.
11. Мухторов А. Миллий ғоя ва миллий манфаат.- Т.:"Fan va texnologiya", 2014.
12. Мўминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. Т., Турон замин зиё., 2013.
13. Назаров Қ. Маънавий қадриятлар ва инсон қадри. Т.: Маънавият. 2011.
14. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. –Т.: "Шарқ". 2013.
15. Туйчиев Б. Политическая культура и демократизации общества. –Т.: НУУз, 2010.
16. Тўраев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. Т.: 2008.
17. Саифназаров И.Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият.-Т.:"Шарқ" НМАК, 2001.
18. Фалсафа. Қомусий луғат. "Шарқ" Т., 2004 йил.
19. Хоразм Маъмун академияси ва унинг дунё илм фани тараққиётидаги ўрни.Т.: ЎзМУ, 2007.
20. Эргашев И. ва б. Миллий ғоя тарғиботи технологиялари. Т.: 2016.
21. Эргашев И., Жакбаров М., Назаров Қ. Жамиятни демократлаштириш ва миллий ғоя. Т.: Академия, 2007.


## Интернет сайтлари

1. www. lex.uz
2. www. ziyonet.uz
3. www. edu.uz
4. www. ma`naviyat.uz
5. www. faylasuf.uz



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

№ БД – 1.02

2017 йил "18" 08 2017 йил "24" 08

# "МИЛЛИЙ ҒОЯ: ЎЗБЕКИСТОННИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ"

## ФАН ДАСТУРИ

(Барча бакалавриат таълим йўналишлари учун)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил "24" 08 даги "603"-сонли буйруғи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил "18" 08 даги 4 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

**Эргашев И.** - ЎзМУ "Миллий ғоя" кафедраси ф.ф.д., проф.
**Саифназаров И.** - ТДИУ "Ижтимоий фанлар" кафедраси ф.ф.д., проф.
**Жўрақулов Ф.** - ЎзМУ "Миллий ғоя" кафедраси мудири, ф.ф.н., доц.
**Мухаммадиева О.** - ЎзМУ "Миллий ғоя"кафедраси ф.ф.н., доц.
**Фарфиева К.** - ТДТУ "Фалсафа ва миллий ғоя" кафед.. мудири, доц.

**Тақризчилар:**

**Мухторов А.** – ТДИУ "Ижтимоий фанлар" кафедраси мудири, ф.ф.д., профессор

**Тўраев Ш.** – ЎзМУ "Миллий ғоя" кафедраси доценти, ф.ф.н.

Фаннинг дастури Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил "14" 07 даги "6" -сон баённома.)



## I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

"Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси" фанининг долзарблиги ёшларда соғлом тафаккур ва илмий дунёқарашни шакллантириш, эл-юрт олдидаги маънавий бурчини тўғри англаш, миллий ғоя орқали уларда миллий урф-одат ва анъаналаримизга меҳр-муҳаббатни кучайтириш, уларни мустақил фикрлайдиган кишилар қилиб тарбиялаш зарурлиги билан белгиланади..

Ушбу фанмамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш, унинг ижтимоий-иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлашда ватанпарварлик, дахлдорлик ҳиссини ўзида мужассам этган ёшларни камол топтиришга хизмат қилади. Шунингдек, глобаллашув жараёнида юзага келаётган ғоявий, мафкуравий таҳдидлар таъсирига тушмайдиган, мафкуравий иммунитети мустаҳкам инсонни вояга етказишда мазкур фан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Мазкур фан ижтимоий-гуманитар фанлардан бири бўлиб, одатда 2-семестрда ўтилади. Мазкур фанни ўзлаштириш учун талабалар ўқув режадаги "Ўзбекистон тарихи" фанидан етарли билим ва кўникмаларга талабалар эга бўлишлари талаб этилади.

## II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

**"Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси" фанининг асосий мақсади** ёшларга мамлакатимизда амалга оширилаётган Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегиясининг ғоявий асослари, мақсад ва вазифалари, амалга ошириш шарт-шароитлари ҳамда омилларини ўргатиш ва уларда ғоявий курашчанлик, мустақил дунёқарашларини янада мустаҳкамлашдан иборат.

***Фанни ўқитишнинг вазифалари:*** талабаларга Миллий ғоя ривожланишининг тарихий босқичлари, назарий концептуал асослари; ғоялар хилма-хиллиги ва мафкуравий жараёнларнинг ижтимоий тараққиётга таъсири; Ҳаракатлар стратегияси – Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг ғоявий-мафкуравий асоси эканлиги; миллий ғояга дахлдорлик ҳисси – барқарор тараққиёт омили эканлиги; миллий ғоя тарғиботида инновацион технологиялардан фойдаланиш ҳақида илмий назарий билим беришдан иборат.

**Фан бўйича талабаларнинг билими, кўникма ва малакаларига қуйидаги талаблар қўйилади. *Талаба:***

- мамлакатимизда амалга оширилаётган Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегиясининг ғоявий асослари, мақсад ва вазифалари, амалга ошириш шарт-шароитлари ҳамда омиллари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши;*

-Миллий ғоя ва мафкуралар ривожининг тарихий босқичлари, концептуал асослари ҳақида, ғоялар хилма-хиллиги ва мафкуравий жараёнларнинг ижтимоий тараққиётга таъсирини ҳамда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси – миллий тараққиётнинг ғоявий

асоси эканлигини илмий ва назарий жихатдан ***билиши ва улардан фойдалана олиши;***

Миллий гояга дахлдорлик ҳисси – баркарор тараққиёт омили эканлиги, миллий ғоя тарғиботида инновацион технологиялардан фойдаланиш ҳақида назарий ва амалий ***кўникмаларга эга бўлиши керак.***

## III. Асосий назарий қисм

### 1-мавзу. “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Миллий ғоянинг шаклланиш тарихи, ривожланиш қонуниятлари, амал қилиш принципларини ўрганиш фаннинг предмети сифатида.

Миллий ғоянинг мустакил демократик тараққиётни таъминлашнинг муҳим шарти эканлиги. Ёшларда миллий ва умумбашарий кадриятларга содиклик, ватанпарварлик фазилатларини мустаҳкамлаш ва унга йўналтириш. “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанининг қонуниятлари, асосий тушунчалари, гоянинг жамият ривожи билан узвий боғлиқлиги ва унга таъсири.

### 2-мавзу. Миллий ғоянинг назарий концептуал асослари

Миллий ғоя Ўзбекистон жамияти ривожланишининг ғоявий концептуал асоси. Миллий гоя шаклланишида илмий, маънавий мерос. И.А.Каримов миллий ғоянинг жамият тараққиёти учун зарурлиги тўғрисида. Миллий ғоянинг инсон, халк ва миллатларнинг орзу-умидлари, мақсад ва интилишлари, моддий ва номоддий мероси, қадриятлари билан боғзлиқлиги. Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёев Миллий ғояни мамлакатнинг янги тараққиёт боскичидаги ижтимоий бирдамлик, хавфсизлик ва баркарорликни таъминлашга қаратилганлиги тўғрисида.

### 3-мавзу. Жамият мафкурасида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги

Жамият мафкурасининг давлат мафкурасидан фарқланиши. Ўзбекистон жамияти ҳаётининг ғоявий мафкуравий асослари ва унинг конституцион принциплари. Миллий ғояда миллий ва умуминсоний қадриятлар. Миллий ва умуминсоний кадриятларда анъанавийлик ва замонавийлик муносабати. Қадриятларнинг тарих синовидан ўтганлиги, жамият ривожланишига ижобий таъсири, инсон ва халкларнинг мақсад ва манфаатларига тўғри келиши. янгиликларни қабул қилишга тайёрлиги ва жамият тараққиётида аҳамияти.

### 4-мавзу. Ғоялар хилма-хиллиги ва мафкуравий жараёнларнинг ижтимоий тараққиётга таъсири

Ғоялар хилма-хиллиги тушунчаси, маъно-мазмуни. Ғоя – фикрнинг ижтимоийлашган кўриниши. Унинг турли мақсад ва манфаатлар билан боғлиқлиги. Ғоялар хилма-хиллигини такозо этувчи шарт-шароит ва омиллар. Мафкуравий жараёнлар. Мафкуранинг турли хил кўринишлари.



Мафкуравий курашлар. “Фикрга карши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга карши маърифат билан курашиш” (И.А.Каримов). Коррупция – мазмуни ва моҳияти. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев маърузаларида коррупциянинг жамият ривожига салбий таъсири.

### 5-мавзу. Миллий ғоя – Ўзбекистон демократик тараққиётининг муҳим омили

Демократия ва миллий ғоя. Демократиянинг Шарқона ва Ғарбона талқини. Демократик принципларнинг миллий ғоя мақсадлари билан ўзаро боғлиқлиги. Мафкуралар хилма-хиллиги муҳим демократик принцип. Унинг инсон кадр-киммати, манфаатлари, фикр эркинлиги билан боғлиқлиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Давлат ҳокимияти идораларининг халк учун ишлаши – демократик тараққиёт талаби эканлиги ҳақидаги фикрлари.

### 6-мавзу. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси – миллий тараққиёт асоси

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”нинг мазмун ва моҳияти. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор йўналишларни миллий ва умуминсоний негизига асосланиши, уларни миллий ғоянинг асосий тамойиллари билан муштараклиги.

### 7-мавзу. Глобаллашув даврида ахборот макони ва ғоявий мафкуравий курашлар

Глобаллашув, ахборот макони, ахборотлашган жамият тушунчаларининг мазмун-моҳияти. Ахборот ва оммавий ахборот воситаларининг инсон ва жамият ҳаётидаги таъсири. Глобаллашув даврида ёшларни маънавий таҳдидлар, ахборот хуружлари, “оммавий маданият”, диний фундаментализм, экстремизм ва терроризм, одам савдоси ва бошқа ёт мафкуралардан ҳимоялашнинг шарт-шароитлари ва омиллари. Ёшларда маънавий-мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашда ОАВ.

### 8-мавзу. Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси – барқарор тараққиёт омили

“Дахлдорлик ҳисси” тушунчасининг ижтимоий моҳияти. Дахлдорлик ҳисси – ижтимоий бирлик, тинчлик, баркарорлик, ватанпарварликнинг муҳим омили. Миллий ғояга дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда оила, маҳалла, таълим муассасалари, жамоат ташкилотларининг ўрни. Миллий ғояга ишонч ва эътиқодни шакллантиришда назария ва амалиёт бирлиги. Миллий ғоянинг бирлаштирувчи, тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминловчи омил сифатида ҳар бир фукаро ғоясига айланиши. Миллий ғоя баркарор тараққиёт омили. Баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Барқарор тараққиётнинг башариятга дахлдорлиги. Уни қадрлаш истиқболлари.

**9-мавзу. Миллий ғоя тарғиботининг инновацион технологиялари**

Миллий ғоя тарғиботида инновацион технологиялар тушунчаси. Миллий ғоя тарғиботини амалга оширишнинг институционал асослари. Таълим-тарбия, илм-фан, маданият, маданий-маърифий муассасалар, адабиёт ва санъат, дин, жисмоний тарбия ва спорт, урф-одатлар, маросим ва байрамлар, оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари ва ОАВ. Миллий ғоя тарғиботида ахборот коммуникация тизими ва инновацион технологиялар. Халқ билан мулоқот. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказлар.

## IV. Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

“Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанидан семинар машғулотларида маъруза машғулотлари жараёнида ўзлаштирган назарий билим, кўникмаларини амалиётга тадбиқ этишига алоҳида эътибор қаратилади. Замонавий педагогик технологиянинг интерфаол усуллари ёрдамида ўтказилган семинар машғулотларидан кўзланган мақсад талабаларда фаол ишлаш, мустақил фикрлаш, ўзини ўзи баҳолаш, мустақил ишлаш ва гуруҳда ишлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

“Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанидан қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. “Миллий ғоя: Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари
2. Миллий ғоянинг назарий концептуал асослари
3. Жамият мафкурасида миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги
4. Ғоялар хилма-хиллиги ва мафкуравий жараёнларнинг ижтимоий тараққиётга таъсири
5. Миллий ғоя – Ўзбекистон демократик тараққиётининг муҳим омили
6. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси – миллий тараққиёт асоси
7. Глобаллашув даврида ахборот макони ва ғоявий мафкуравий курашлар
8. Миллий ғояга дахлдорлик ҳисси – барқарор тараққиёт омили
9. Миллий ғоя тарғиботининг инновацион технологиялари

## IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълимдан кўзланган мақсад – бу талабаларда мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

1. Мустақил таълим лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўришдан ташқари фан дастурида кўрсатилмаган, аммо фан бўйича талабанинг билим доирасини кенгайтирувчи қўшимча мавзулар доирасида берилган топшириқларни бажаришни ўз ичига олади.
2. Миллий ғоя – Ўзбекистон жамияти ривожланишининг ғоявий асоси.
3. Коррупцияга қарши курашишнинг ғоявий ва ҳуқуқий асослари.
4. Ахборот тизимларида ички ва ташқи таҳдидлар.



5. Барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.
6. Миллий ва умуминсоний қадриятлар жамият ривожининг муҳим шарти.
7. “Ҳаракатлар стратегияси”нинг асосий йўналишлари, мақсади ва моҳияти.
8. Марказий Осиё мутафаккирларининг миллий ғоя, ғоявий таъсир усуллари ҳақидаги қарашлари.
9. Ахборот маконидаги ўзгаришлар, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш.
10. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар.
11. Ўзбекистонда демократик жараёнлар ва миллий мафкура.
12. Мафкуравий курашларнинг кўринишлари.

## V. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

### Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
2. Каримов И.А. Асарлар тўплами. Ж. 1-23. Т.: Ўзбекистон. 1996-2016.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
5. Каримов И.А. Она юртимиз бахту-иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Т.: Ўзбекистон, 2015.
6. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз – Т.: Ўзбекистон, 2017.
7. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларни таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017.
10. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастурини ўрганиш бўйича илмий услубий рисола.Т.: “Маънавият”, 2017.
11. Мамашокиров С. Эркин ва фаровон ҳаёт қурилишининг ғоявий мафкуравий масалалари. Т.: Маънавият, 2007.
12. Отамуротов С. Ўзбекистонда маънавий руҳий тикланиш. Т.: Янги аср авлоди, 2003.
13. Умаров Б., Жабборов Ш. Глобаллашув ва маънавий –ахлоқий тарбия. Т.: Академия., 2010.
14. Тўраев Ш., Муҳаммадиева О. Миллий ғоя тарихи ва назарияси. Т., 2016.
15. Юсупов Э. ва б. Миллий истиқлол ғоясининг халқни бирлаштиришдаги роли. Т.: ТДПУ, 2003